

Presidential decree on the investment program of Uzbekistan for 2022-2024).

Conclusion. The results of analysis of foreign direct investment economic growth in Uzbekistan shows the lack of transparency, dominant role of government in economy, inefficient judicial mechanisms and diversifications in "strategic" sectors are the obstructions for many potential foreign investors.

Including, weak Points The major obstacles to FDI in Uzbekistan are :

- low economic diversification and dependence on commodity prices;
- low competitiveness;
- underdeveloped banking sector;
- state interventionism and difficult general business climate;
- autocratic regime.

Currently the government of Uzbekistan is striving against problems of foreign direct investment of country regional development. The objective of this study was to shed light on the determinants of foreign direct investment (FDI) in Uzbekistan. In order to undertake it, we performed on data analysis for the 2020-2022 periods.

The study found trade openness, exchange rate, natural resources and infrastructure as the drivers of FDI in Uzbekistan. Macroeconomic variables, such as inflation and per capita gross domestic products, were also found to be contributing to the determinants of FDI flows in Uzbekistan. Finally, the contribution of this paper is that economic liberalization does really matter for FDI inflows in Uzbekistan and policymakers' efforts in liberalizing the economic activities may necessarily translate into significant FDI inflows into the country.

References list

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan PF-4947 of February 7, 2017
2. law of the republic of Uzbekistan on investments and investment activity 25.12.2019
3. Bekmurodov A. Sh. (2018) "In search of an innovative model of economic growth of Uzbekistan ...". Tashkent: "XXI ASR". 215b.
4. Vahobov A.V, Khajibakiev Sh.H., Muminov N.G. (2010) Foreign investments. Tashkent: "Finance". 346-b.
5. Gozibekov D.G., Qoraliev T.M. (1993) Organization and state regulation of investment activities. Tashkent: "Economy and Finance". 232-b.
6. Wallis, K., F, The E. E. C. and United States Foreign Investment: Some Empirical Evidence Re-Examined *Economic Journal*, 78(311), (1968), 717-719
7. Chakrabarti, A. (2001) The Determinants of foreign direct Investment: Sensitivity analyses of cross-country regressions, *Kyklos*, 54(1), 89-113.
8. www.unctad.org, www.weforum.org/gcr, www.doingbusiness.org
9. <http://invest.gov.uz/wp-content/uploads/Presentations/presen.pdf>
10. <https://santandertrade.com/en/portal/establish-overseas/uzbekistan/investing>
11. <https://www.gazeta.uz/oz/2019/05/29/corruption/>
12. <https://www.lloydsbanktrade.com>
13. <https://www.emerald.com>
14. <https://www.lloydsbanktrade.com/en/market-potential/uzbekistan/investment>



САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

Махматқулов Ғолибжон Холмуминович
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институтини, и.ф.ф.д. PhD

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a5

Аннотация. Мақолада савдо корхоналари фаолиятини соғлом рақобат муҳитида шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва эконометрик моделлаштириш зарурати тадқиқ этилган. Савдо корхоналари фаолиятида инновацияларнинг аҳамияти очиб берилган. Турли типлашган савдо корхоналари кесимида рақобатнинг асосий омиллари таҳлил қилинган. Мазкур омиллар орасида тармоқни инновацион ривожлантириш омилларининг устуворлик жиҳатлари асослаб берилган. Шунингдек, савдо корхоналари турлари орасида доминант омиллар юзага келиш қонуниятлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: савдо хизматлари, соғлом рақобат муҳити, инновация, инновацион ривожлантириш, эконометрик моделлаштириш, моделлаштириш зарурати, эконометрик мезон, инновацион омиллар.

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Махматкулов Голибжан Холмуминович
д.ф.н.э. PhD Каршинского инженерно-экономического института

Аннотация. В статье рассматриваются уникальные особенности формирования торговых предприятий в условиях здоровой конкурентной среды и необходимость эконометрического моделирования. Выявлено значение инноваций в деятельности торговых предприятий. Проанализированы основные факторы конкуренции в разрезе различных видов торговых предприятий. Среди этих факторов обоснованы приоритетные аспекты факторов инновационного развития сети. Также изучены закономерности возникновения доминирующих факторов среди видов торговых предприятий.

Ключевые слова: торговые услуги, здоровая конкурентная среда, инновации, инновационное развитие, эконометрическое моделирование, необходимость моделирования, эконометрические критерии, факторы инновационности.

ECONOMETRIC MODELING OF INNOVATION ACTIVITY OF TRADE ENTERPRISES

Makhmatkulov Golibjon Kholmuminovich
Karshi Engineering and Economic Institute,
Doctor of Philosophy in Economics

Annotation. The article discusses the unique features of the formation of trade enterprises in a healthy competitive environment and the need for econometric modeling. The importance of innovations in the activities of trade enterprises is revealed. The main factors of competition in the context of various types of trade enterprises are analyzed. Among these factors, priority aspects of the factors of innovative development of the network are substantiated. The regularities of the emergence of dominant factors among the types of commercial enterprises are also studied.

Key words: trading services, healthy competitive environment, innovations, innovative development, econometric modeling, the need for modeling, econometric criteria, innovativeness factors.

Кириш. Маълумки, савдо корхоналарининг фаолиятини ташкил этишда соғлом рақобат муҳитини яратиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, зеро, мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишида унинг роли беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли фармони 1-илоvasида 2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси келтирилди [1]. Унда самарали рақобат муҳитини яратиш ҳамда товарлар ва хизматлар бозоридаги монополияни босқичма-босқич камайтириш иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун устувор йўналиш бўлиб қолаётгани стратегиянинг қабул қилиниши учун асосий сабаб сифатида таъкидланади [2]. Бинобарин, савдо корхоналарининг ривожланиши, аҳолига сифатли савдо хизматларини кўрсатиш соғлом рақобат шароитини талаб қилади. Бугунги кунда хориж олимлари соғлом рақобат шароитини вужудга келтурувчи асосий омиллардан бири сифатида нарх тушунчасини илгари

суришади[14]. Албатта, бу табиий ҳолдир. Шундай бўлса-да, олинган натижаларга асослансақ, бугунги кунда савдо корхоналари ўртасидаги соғлом рақобатнинг асосий воситаси фақатгина нарх омилига боғлиқ эмаслиги, хатто, бу омилнинг аҳамиятлилик даражаси баъзи ҳолларда айрим омилларга нисбатан юқори бўлмаслиги ҳам ойдинлашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётида ўзаро боғлиқлик хусусияти етакчилик қилади. Бу боғлиқлик нафақат иқтисодиёт тармоқлари кесимида, балки маълум бир тармоқнинг турли характердаги, шаклдаги корхоналари фаолиятида ҳам кузатилади. Жумладан, бу жиҳатдан савдо хизматлари тармоғининг хизмат кўрсатиш субъектлари фаолияти бир қатор ўзига хослик касб этади. Жаҳон миқёсида ўзгаришларга юз тутаётган савдо хизматлари ривожланиш тенденцияси андозалари республикамизда фаолият юритаётган савдо корхоналари шакли, тури, характеридан қаъти назар маълум бир даражада таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда

мамлакатда анънавий умумхалқ бозорлари, супермаркетлар, минимаркетлар ички савдо бозорининг асосини ташкил этмоқда. Табиий равишда улар ўртасида, шунингдек, маълум бир турлар кесимида рақобат муҳити мавжуд бўлиб, айти рақобат муҳитини замон талаблари асосида шаффофлаштириш механизмини яратиш тармоқ ривожини учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимиз иқтисодий секторларида корхоналарнинг инновацион фаолиятини соғлом рақобат муҳитида шакллантириш аҳамияти ва муаммоларини эконометрик тадқиқ этишда бир қатор замонавий услубий ёндашувлар, соғлом рақобат мезонларини ифодаловчи эконометрик моделлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг моҳияти рақобатнинг туб ўзаги – бозор муносабатларида етарли шарт-шароитлар, мавжуд потенциал, миллий бозор сиёсати, нарх сиёсати, тадбиркорлик субъектларининг имкониятлари, аҳоли талаби ва назорат механизми каби омилларнинг боғлиқ қонуниятларини ўрганади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги тармоғида савдо хизматларини ривожлантириш ва бошқариш қонуниятлари асосида мавжуд потенциал ва молиявий назорат механизми асосида рақобат муҳитини шакллантиришнинг харидлар сонини оширишга таъсири юқори эканлиги таъкидланади [15, 16, 17], савдо хизматларида соғлом рақобатнинг аҳамияти ва заруратини баҳолашнинг эконометрик мезони тармоқни инновацион ривожлантириш, мазкур тармоқнинг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг чегаравий қийматланишларига асосланиши кераклиги ғояси олдинга сурилади [18, 19, 20, 21].

Адабиётлар таҳлили. Жаҳонда бир қатор олимлар савдо хизматларини инновацион ривожлантириш муайян тамойиллар асосида юз бериши ҳақида тадқиқотлар олиб борган. Бу тамойиллар тўғрисида иқтисодчи олимлар А.Алберс, М.Омар, И.А.Красюк, Д.Б.Федюнин ва бошқалар мақсадга йўналтирилганлик, мослашувчанлик, тежамкорлик, изчиллик, яхлитлик, таъсирчанлик, тарқалувчанлик, тармоқланувчанлик, тизимлилик, оптималлик хусусиятлари мавжудлигини таъкидлашади [6, 7].

Иқтисодчи олим С.К.Нгуэн, Бристоль университети профессори Ж.Беачнинг илмий қарашларида ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий, молиявий, техник-технологик, ахборот, интеллектуал, дастурий ресурслар янгилашни қонунлари таъсирида инновацион характердаги ресурсларга айланиши мумкинлиги ғояси илгари сурилади [8, 9].

Тадқиқотчилар Р.Лаури, М.Н.Омар, М.Аубоин, Р.Коопман каби олимлар инновацион муҳитнинг юзага келиши, минтақа инновацион имижининг шаклланиши ушбу асосий тўртта гуруҳ таркибига кирувчи омиллар таъсирида юз беради деб ҳисоблашади ҳамда буларга ҳудуддаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, минтақанинг инновацион салоҳияти, бошқарув қобилиятини келтириб ўтишади [10,11].

Иқтисодчи олим Е.Карченко минтақанинг инновацион салоҳиятга эгаллиги савдо хизматларини инновацион ривожлантириш учун зарур ва етарли имкониятларнинг дарвозаси эканлигини таъкидлайди [12].

Савдо тизимида харидор психологиясига таъсир этиш мотивларини ишларида тадқиқ этган О.Мокрюн, В.Богина ва Т.Куфлг каби олимлар савдо тизимини оптимал ташкил этиш, мураккаблик жиҳатларини моделлаштириш усуллари ёрдамида содда объект сифатида ўрганиш ғоясини илгари суриб, хусусан, моделлаштириш жараёнида тренд моделларнинг қўлланилиш мезонларини зарур ҳодиса сифатида баҳолашади [13].

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида савдо корхоналари фаолиятини соғлом рақобат муҳитида шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва эконометрик моделлаштириш зарурати тадқиқ қилинган, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, танланма кузатиш, анализ ва синтез усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотимиз жараёнида соғлом рақобатни шакллантириш қонуниятлари қайси омилларга кўпроқ боғлиқ эканлигини аниқлаш мақсадида савдо корхоналарининг бир неча турлари бўйича бир неча корхоналар танлаб олинди. Жумладан, Қарши шаҳридаги “Эски жува” бозори, Чироқчи туманидаги “Чияли” бозори, Қамаш туманидаги “Жума” бозори, супермаркетлардан Қарши шаҳридаги “Марка”, Шаҳрисабз шаҳридаги “Дунё”, Қамаш туманидаги “Мўъжиза” номли савдо корхоналари, шунингдек, Қарши шаҳри ва тумани, Чироқчи, Қамаш, Нишон, Косон, Яккабоғ туманларидан танланган кичик савдо дўконлари (минимаркет) бўйича маълум бир кўрсаткичлар асосида маълумотлар тўпланди.

Қуйидагича шартли белгилашларни киритамиз:

XSb – бозорлардаги ойлик харидлар сонининг ўртача кўрсаткичи, мингта;

IOb – бозорлардаги истеъмолчилар оқи-ми, минг киши;

IUb – бозорлардаги инновацион ишлаб чиқариш (хизматлар) улуши, фоизда;

Nib – бозорлардаги нархларнинг ўзга-риш интервали (қишлоқ хўжалиги маҳсулот-лари ва уй-рузғор буюмлари мисолида), минг сўм.

Келтирилган маълумотлар асосида харидлар сонининг истеъмолчилар оқими, инновацион ишлаб чиқариш (хизматлар) улуши, нархларнинг ўзгариш интервали (қишлоқ хў-

жалиги маҳсулотлари ва уй-рузғор буюмлари мисолида) кўрсаткичларига боғлиқ кўп омил-ли чизиқли регрессион модели ишлаб чи-қилди.

Аппроксимация хатолиги 4,8 фоизга тенг. Бу ерда *IUb* экзоген адекватлик шартла-рини қаноатлантirmайди. У ҳолда, *IUb* экзо-генни ҳисобга олмаганда, *IOb* ва *Nib* ўзгарув-чилар бўйича *XSb*нинг моделини қуриш нати-жасида *XSb* нинг функционал ифодасини қуйидагича ёзишимиз мумкин:

$$XSb = \frac{-1,2809}{t=-1,3314,p=0,2} + \frac{0,5085}{t=3,8417,p=0,00} * IOb + \frac{6,4062}{t=3,7110,p=0,00} * Nib \quad (1)$$

(1) модель учун детерминация коэффи-циенти 0,99 га, аппроксимация хатолиги 0,58 фоизга, Дарбин-Уатсон сони 1,76 га, Фишер мезони 803,2 га, Фишер қийматининг аҳа-миятлилик сони 0,0000 га, Акаики мезони

0,255 га, Шварц мезони 0,404 га тенг бўлиб, бу кўрсаткичлар моделнинг адекватлик даража-си юқори эканлигини кўрсатади. (1) модел-нинг эластиклик коэффицентлари 1-жадвал-да келтирилган.

1-жадвал

XSb = XSb(IOb, Nib) моделнинг эластиклик коэффицентлари

Ўзгарувчилар	Коэффициентлар	Стандартлаштирилган коэффицентлар	Эластиклик коэффицентлари
IOB	0.508462	0.508399	0.552907
NIB	6.406195	0.491103	0.485728
C	-1.280855	NA	-0.038635

Эластиклик коэффицентларига кўра, бозорлардаги истеъмолчилар оқимининг 1 фоиз ортиши бозор харидлари сонининг 0,6 фоизга ортишига, бозорлардаги нархларнинг ўзгариш интервалининг 1 фоиз ортиши эса харидлар сонининг 0,5 фоиз ортишига олиб келишини кўрсатмоқда.

Қашқадарё вилояти ҳудудида фаолият юритаётган супермаркетлардаги харидлар сонининг истеъмолчилар оқими, инновацион ишлаб чиқариш (хизматлар) улуши ва товар нархларининг ўзгариш интервалига боғлиқ моделини қуриш учун шартли белгилашлар-ни киритамиз: *XSs* – супермаркетлардаги ой-лик харидлар сонининг ўртача кўрсаткичи, мингта; *IOs* – супермаркетлардаги истеъмол-

чилар оқими, минг киши; *IUs* – супермаркет-лардаги инновацион ишлаб чиқариш (хизмат-лар) улуши, фоизда; *NIs* – супермаркетларда-ги нархларнинг ўзгариш интервали (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уй-рузғор буюмла-ри мисолида), минг сўм.

Супермаркетларда харидлар сонининг ушбу *XSs = XSs(IOs, IUs, NIs)* эмпирик модели-нинг параметрлари ва адекватлик кўрсаткич-лари Eviews 10 дастури ёрдамида ҳисоблан-ганда, *NIs* экзоген адекватлик шартларини қаноатлантirmайди. У ҳолда *NIs* экзоген иш-тирок этмаган *IOb* ва *IUs* ўзгарувчилар бўйича *XSs* нинг функционал ифодасини қуйидагича ёзишимиз мумкин:

$$XSs = \frac{1,1177}{t=-1,3314,p=0,2} + \frac{0,4985}{t=3,8417,p=0,00} * IUs + \frac{0,1396}{t=3,7110,p=0,00} * IUs \quad (2)$$

(2) модель учун детерминация коэффи-циенти 0,99 га, аппроксимация хатолиги 0,79 фоизга, Дарбин-Уатсон сони 1,77 га, Фишер мезони 711,4 га, Фишер қийматининг аҳа-миятлилик сони 0,0000 га Акаики мезони -

0,852 га, Шварц мезони -0,706 га тенг бўлиб, бу кўрсаткичлар моделнинг адекватлик дара-жаси юқори эканлигини кўрсатади.

(2) моделнинг эластиклик коэффи-циентлари ҳисоблаб чиқилди. Унга кўра,

супермаркетлардаги истеъмолчилар оқимининг 1 фоиз ортиши супермаркет харидлари сонининг 0,5 фоизга ортишига, супермаркетлардаги инновацион ишлаб чиқариш (хизматлар) улушининг 1 фоиз ортиши эса харидлар сонининг 0,5 фоиз ортишига олиб келади.

Қашқадарё вилояти ҳудуди бўйича танланган минимаркетлардаги харидлар сонининг истеъмолчилар оқими, инновацион ишлаб чиқариш (хизматлар) улуши ва товар нархларининг ўзгариш интервалига боғлиқ моделини қуриш учун шартли белгилашларни киритамиз: XSm – минимаркетлардаги ойлик харидлар сонининг ўртача кўрсаткичи, мингта; IOm – минимаркетлардаги истеъмолчилар оқими, минг киши; IUm – минимаркетлардаги инновацион ишлаб чиқариш (хизматлар) улуши, фоизда; NIm – минимаркетлардаги нархларнинг ўзгариш интервали (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уй-рузғор буюмлари мисолида), минг сўм.

Минимаркетларда харидлар сонининг ушбу $XSm = XSm(IOm, IUm, NIm)$ эмпирик моделининг параметрлари ва адекватлик кўрсаткичлари ҳисобланганда, натижалар IUm экзоген адекватлик шартларини қаноатлантирмаглигини, NIm экзогенни эса шартли равишда кейинги моделга киритиш мумкинлигини кўрсатади. Шу сабабли фақат IUm экзоген иштирок этмаган IOm ва NIm экзогенлар бўйича XSm нинг янги моделини қурамиз. Ушбу моделнинг эластиклик коэффициентларига кўра минимаркетлардаги истеъмолчилари оқимининг 1 фоиз ортиши минимаркет харидлари сонининг 0,7 фоизга ортишига, минимаркетлардаги нархларнинг ўзгариш интервалининг 1 фоиз ортиши эса харидлар сонининг 0,2 фоиз ортишини асослайди.

Хулоса ва таклифлар. Моделлаштириш натижалари анаънавий умумхалқ бозорларининг супермаркет ва минимаркетлар билан ўзаро рақобати, асосан, нархнинг ўзгариш интервали катталиги, бунинг натижасида маҳсулотни нисбатан арзон харид қилиш мумкинлиги билан юзага чиқаётганлигини асослайди. Шунингдек, Қашқадарё вилоятида қишлоқ жойларда супермаркетларнинг йўқлиги ва минимаркетларнинг кам сонли эканлиги аҳолининг харид эҳтиёжини қондирувчи асосий объектлар, айнан, бозорлар эканлиги ҳам бозор мавқеининг сақланиб қолишига катта сабаблардан биридир.

Бозорларнинг ўзаро рақобати жойлашув ҳудуди, бозор инфратузилмаси, истеъмолчи хавфсизлиги, маҳсулотлар ассортиментини билан боғлиқ бўлиб, айрим жиҳатлар ҳам борки,

бу бозорларнинг турли вақтдаги фаолият юритиши билан изоҳланади. Супермаркетларнинг бошқа савдо корхоналаридан рақобатбардошликдаги устунлик жиҳатлари сифатида уларда инновацион хизматларнинг яхши йўлга қўйилганлиги, маҳсулот ассортиментининг кенглиги, хизмат кўрсатишнинг аҳолининг иқтисодий имкониятига кўра турли табақа вакилларига мўлжалланганлиги, асосан, шаҳарларда, аҳоли зичлиги юқори бўлган ҳудудда фаолият юритиши, объектнинг ички ва ташқи имижининг жозибадор эканлиги, реклама бозорида самарали фаолиятини келтириш мумкин.

Минимаркетлар эркин рақобат майдонида асосий жиҳатлари сифатида аҳоли сонининг кўплигига мос равишда бу турдаги савдо корхоналарининг сон жиҳатдан устунлиги, қисман инновацион хизмат кўрсатишнинг мавжудлиги, маълум бир маҳсулот турларига нисбатан ихтисослашганлиги, жойлашув нуқтасининг аҳоли яшаш жойига нисбатан мақбуллиги, супермаркетларга нисбатан нархларнинг биров эгилувчанлик хусусияти сақланиб қолганлигини келтириш мумкин.

Моделлаштириш натижаларига кўра барча турдаги савдо корхоналари фаолиятининг самарадорлиги, аввало, хариддорларнинг сонига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Нарх омилининг аҳамияти бозорларда нисбатан катта улушга эга бўлиб турибди. Инновацион хизматларнинг жорий этилиш омили супермаркет ва минимаркетлар фаолиятига катта таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, бошқа томондан, моделлаштириш натижалари инновацион ривожланиши нисбатан юқори бўлган супермаркетларнинг ўзаро рақобатида нарх омили деярли таъсирга эга эмаслигини асосламоқда. Бунга тескари ҳолат, яъни инновацион хизматларнинг таъсири кўп сезилмаётган савдо корхоналари сифатида бозорлар намоён бўлмоқда.

Минимаркетлар рақобатда ўрта даражада сақланиб турибди, яъни уларнинг фаолияти самарасида нархлар ҳамда инновацион хизматларнинг жорий этилиш омили ўрта даражада таъсирга эга бўлмоқда. Жамиятнинг барча тармоқларида инновацион ривожланиш кечаётган бугунги даврда айнан инновацион ривожланиш йўналишидаги савдо корхоналарига эътибор қаратиш энг муҳим деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли минтақанинг барча ҳудудларида супермаркетлар фаолиятини йўлга қўйиш, минимаркетлар фаолиятига инновацияларни кенг татбиқ этишни мақсадга мувофиқ. Моделлаштириш натижалари савдо

хизматлари тармоғида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришнинг асосий ресурси сифатида инновациялар татбиғини кучайтириш, аҳолининг инновацияларни қабул қилиш даражасини тўғри баҳолашга эътибор қаратиш кераклиги, савдо корхоналари худуд

инфратузилмасига боғлиқ ҳолда мавжудлик хусусиятига эгаллиги, хусусан, гипермаркет ва супермаркет типигаги савдо корхоналарини инновацион ривожлантириш индексларини ишлаб чиқиш ва уларни илмий тавсифлаш зарурати мавжудлигини асослайди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6019-сонли фармони. Тошкент ш., 2020 йил 6 июль. / <https://lex.uz/docs/4887654>
2. Jo'rayev, F.D. *Econometric modeling of the development and management of agricultural production based on cluster analysis (on the example of the 584 kashkadarya region)*. Экономика, 8, 584-590.
3. Nyama Y.S., Bahta Y.T., Oduniyi O.S., Matthews N. (2022). *Smallholder sheep farmers' perception of production constraints and competitiveness strategies in South Africa*. Scientific African. Volume 16, July 2022, e 01192.
4. Sejian V., Hyder I., Ezeji T., Lakritz J., Bhatta R., Ravindra J.P. (2016) *Global warming: role of livestock*, in: *Climate Change Impact on Livestock: Adaptation and Mitigation*, New Delhi: Springer-Verlag GmbH Publisher, 2016, pp. 141-170.
5. Enahoro D., Mason-D'Croz D., Mul M., Rich K.M., Robinson T.P., Thornton P., Staal S.S. (2019) *Supporting sustainable expansion of livestock production in South Asia and Sub-Saharan Africa: scenario analysis of investment options*, Glob. Food Sec. 20 (2019) 114-121.
6. Albers A., Ohmer M. et al. *Accessibility of the innovative principles to further levels of abstraction in product development*. Procedia Engineering. № 9 (2011), p. 222-235.
7. Жўраев Ф.Д. & Аралов Ф.М. (2023). Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнини эконометрик моделлаштириш заруриятининг асосий жиҳатлари. *Educational research in universal sciences*, 2(2), 36-43.
8. Федюнин Д.В. *Методология и методы управления инновациями в розничной торговле*. Монография. / Под общ. ред. С.А.Лочана. – М.: КноРус, 2013. – 209 с.
9. Lauri R. et al. *Green factors stimulating the purchase intention of innovative luxury organic beauty products: Implications for sustainable development*. Journal of Environmental Management. Volume 301, 1, 2022, 113899.
10. Omar M.N. *Investigating the influence of big data analytics capabilities and human resource factors in achieving supply chain innovativeness*. Computers & Industrial Engineering. Volume 168, 06. 2022, 108055.
11. Auboin M., Koopman R. *Trade and innovation policies: Coexistence and spillovers*. Journal of Policy Modeling. Volume 43, Issue 4, (2021), pages 844-872.
12. Жўраев Ф.Д. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қисқа муддатли прогнозлаштириш. // *Инновацион технологиялар*. 2 (42) (2021): 92-95.
13. Osnat Mokryna, Veronika Boginab, Tsvi Kuflik. *Will this session end with a purchase? Inferring current purchase intent of anonymous visitors*. Electronic Commerce Research and Applications. №34. (2019). 100836
14. Nyama Y.S., Bahta Y.T., Oduniyi O.S., Matthews N. (2022). *Smallholder sheep farmers' perception of production constraints and competitiveness strategies in South Africa*. Scientific African. Volume 16, July 2022, e 01192.
15. Жураев, Ф. (2021). Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг истиқболдаги муаммолари ва уларни эконометрик моделлаштириш. // *Экономика и образование*, (4), 377-385.
16. Жўраев Ф.Д. & Аралов Ф.М. (2023). Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тенденцияси статистик таҳлили. *Research and education*, 2(4), 31-43. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/re/article/view/2870>
17. Rakhimov A.N., Makhmatkulov G.K. & Rakhimov A.M. (2021). *Construction of econometric models of development of services for the population in the region and forecasting them*. The American Journal of Applied sciences, 3(02), 21-48.
18. Махматкулов Ф. (2022). Аҳолига савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолашда тренд моделларини танлаш мезонлари (Қашқадарё вилояти мисолида). *Иқтисодиёт ва таълим*, 23(4), 381-386. https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a610
19. Махматкулов, Г. (2022). Аҳолига савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолашда тренд моделларини танлаш мезонлари (Қашқадарё вилояти мисолида). // *Экономика и образование*, 23(4), 381-386.
20. Рахимов А. (2022). Аҳолига яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ривожиди ички ва ёндош тармоқларнинг таъсирини баҳолаш (Қашқадарё вилояти мисолида). // *Экономика и образование*, 23(4), 397-402.
21. Махматкулов Ф.Х. Савдо хизмат қўрсатиш соҳасининг ривожланишида рақамлаштиришнинг аҳамияти. // *Biznes-Ekspert*, 2021, 5 (161)-сон, 36-41-б.
22. Rakhimov A.N. and Jo'rayev F.D. *A Systematic Approach To The Methodology Of Agricultural Development And The Strategy Of Econometric Modeling*. Resmilitaris 12.4 (2022): 2164-2174.
23. Doliyev S.Q. & Jo'rayev F.D. (2022). *Ekonometrik modellashtirish bosqichlarini tahlil qilish*. International conferences, 1(1), 10-13. Retrieved from: <https://researchedu.org/index.php/cf/article/view/223>